

МАФТУНА НОРМАТОВА

ШОҲОНА ШОДЛИКЛАР

Шеърлар

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7
Н – 79

Н – 79 **Норматова, Мафтуна**

Шоҳона шодликлар: Шеърлар. – Т.: «Sharq»,
2014. – 48 б.

ISBN 978-9943-26-219-5

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-26-219-5

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2014.

**КЕЛ, БИЗГА СУЯН, ВАТАН!**

Биз суянчиғ бўламиз,
Кел, бизга суян, Ватан.
Биз қорачиғ бўламиз
Ўзинг асраган, Ватан!
Шу кунларга минг шукр,
Минг шукрлар Оллоҳга.
Шу юртда топдик хузур,
Ҳамда тушдик нигоҳга.
Ватан, сен Ўзбекистон
Бўлгунингча жонини
Қилиб буткул армуғон,
Топиб минг имконини
Шундай севди бир инсон,
Етаклаб карвонини
Карвон қилган шу сарбон.
Биз қандай жим турайлик,
Ўт олгудек бу юрак.
Осмонларда юрайлик,
Кўкдан топайлик дарак.
Томчини дарё қилган
Бобомиз бор, бобомиз.
Жонини фидо қилган
Момомиз бор, момомиз.
Биз мустаҳкам бўламиз,
Бизлар бекам бўламиз.
Ҳавас билан қарашар,
Ҳар дам илдам бўламиз.
Ҳозирча шундай марра,



Ютуқлари бор юртим.
Ҳали бундан минг карра
Бўлади гулзор юртим.
Мен эса Мафтунаси,
Нур бордир тилагимда.
Шу Ватанни жойладим
Кичкина юрагимга.
Юрагим бўлди денгиз,
Юрагим бўлди тенгсиз,
Юрагим бўлди қуёш,
Юрагим – сабр-бардош.
Энди унга сиғмайди
Ўткинчи ҳой-ҳаваслар.
Унга хавф сололмайди
Дили сиёҳ нокаслар.
Сабр берди худойим,
Қадр берди худойим.
Жон Ўзбекистон дедим,
Сатр берди худойим.
Улкан шеърият билан
Бемалол сўзланаман.
Шу катта юрак билан
Жаҳонга юзланаман.





ЭНГ БАЛАНД ЕР

Мен Ернинг энг баланд ерида,
Кўнглим-чи, жуда ҳам юксакда.
Олам бор кўзларим қирида,
Абадий ҳаёт бор юракда.
Боринг-ки бу дунё кўп кўрган
Менингдек кўнгилчан қизларни.
Йўқ бир мен бошқача ҳаммадан,
Бағримга босаман изларни.
Бу излар Навоий бобомдан,
Нодира момомдан эсдалик.
Ё Машраб бобомга ўхшасам,
Руҳимда илоҳий хасталик.
Бир нима ёприлиб келади,
Бўғилиб қолади ҳасратлар.
Руҳимга сингишиб кетади
Кўнглимда улғайган хайратлар.
Бир нима дейишга ҳожат йўқ,
Ҳозирча ҳамма гап айтилган.
Бугунги кунлардан кўнглим тўқ,
Туғилгим келмайди қайтадан.
Мен бугун турибман қаддим тик,
Энг баланд ерида ўзликнинг.
Қадри кўк момомдек, онамдек
Ҳаёси бўламан ўзбекнинг.





ОНА ҚАРШИМ


Шеър айтдим, юрагимнинг
Ҳовури босилмади,
Сўзларим олқишларнинг
Бўйнига осилмади.
Кўзим дунёни олди
Орқасига ортқилаб.
Шеърларимни шамоллар
Олиб кетди тортқилаб.
Она Қаршим, лек сени
Куйламоққа киришдим.
Шеър билан яна сени
Сийламоққа киришдим.
Эҳ, нима бўлганда ҳам,
Шаштимдан тушмагайман.
Ҳақиқатни айтаман,
Ёлғонни қўшмагайман.
Сен ҳақингда ёзмасам,
Сўзларим сўппаяди.
Куёшингга қарасам,
Сепкилим кўпаяди.
Ҳатто шеъриятга ҳам
Ўзгаргандай қарашим.
Киприklarимга малҳам
Бир кунингга ярашим.
Агар совқотиб қолсанг,
Қовурғам сирқирайди.
Кўзларингга ёш олсанг,
Кўз ёшим тирқирайди.



Қайга бормай, соғинган
Хуморимсан, хуморим.
Юракка тақиб олган
Мадорсан, кўз туморим.
Савлатнинг шамоллари
Элар чинорларингни.
Ҳайратнинг бешигига
Белар минорларингни.
Ёмғирдек шитир-шитир
Юзларингни ювгайман.
Қор бўлиб тарновингдан
Қўлингга сув қуйгайман.
Қуёшнинг сочин юлиб,
Сочиқ тўқийман сенга
Ва яна дардкаш бўлиб,
Шеърлар ўқийман сенга.
Гоҳ паришон кезаман,
Қошимга ўсма қўйиб.
Каштали нимча билан,
Попопли қалпоқ кийиб.
Дунёда бахт бормикан
Мен орттирган ҳаёча?!
Ўзим ҳам, овозим ҳам
Асли қашқадарёча!
Менга ярашар ҳатто
Устимдаги жандирим,
Иштаҳангга ўт қўяр
Ҳил-ҳил пишган тандирим.
Хуллас, бағрингда бахтдан
Семириб яшаяпман.
Қаршилиқлар меҳридан
Симириб яшаяпман.
Юрсам пойимни секин
Сийпалайди йўлларинг.



Силаб бошимни текин,
Эркалайди кўлларинг.
Она Қаршим, ўзинг айт,
Борми сен каби қадим.
Шу омонат жонни ҳам
Фақат сенга атадим.





ҲОЗИРЧА ЖИММАН

Ҳозирча жимман, ҳозирча сирым бор.
Қачондир портлайдигандек ерим бор.
Ҳозирча қайгадир йироқлаб бораман,
Жонимнинг жонини кучоқлаб бораман.
Қайдадир манзил бор эшиклари берк,
Ёпилмоғим даркор шу эшиклардек.
Тушунчам тор, қатор, туйғу дастурхон,
Бўлакраниб ётар шеър аталмиш нон.
Баъзан қуёш завол, баъзан ишқ завол,
Баъзан бардош завол, шу қўшиқ завол.
Ишқордек кўпириб кетаман гоҳо,
Юракни ўпириб бошланар урҳо,
Аста ечим топар мураккабликлар,
Ўнг йўлидан чопар ночор чапликлар,
Ҳозирча кўнглимдан совишим керак,
Мен энди кучлироқ севишим керак!